



НОМОДДИЙ АКТИВЛАРГА АМОРТИЗАЦИЯ ҲИСОБЛАШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

и.ф.д., проф. **Ризаев Нурбек Кадирович**
ORCID: 0000-0001-5374-8045
rizayevnk220874@gmail.com

и.ф.д., доц. **Исаев Фахриддин Икромович**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
«Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва
муаммолари» илмий-тадқиқот маркази
ORCID: 0000-0001-7760-5866

Аннотация. Мақолада бухгалтерия ҳисобининг янги объектлардан бўлган номоддий активларга амортизация ҳисоблаш тартиби, амортизацияни ҳисоблаш усулларини қўллаш, амортизацияни харажат объектларига олиб бориш, амортизацияни ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: номоддий активлар, патент, лицензия, ноу-хау, товар белгиси, дастурий маҳсулот, амортизация, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот.

РАСЧЕТ АМОРТИЗАЦИИ НЕМАТЕРИАЛЬНЫХ АКТИВОВ И ЕЕ УЛУЧШЕНИЕ

д.э.н., проф. **Ризаев Нурбек Кадирович**
д.э.н., доц. **Исаев Фахриддин Икромович**

Научно-исследовательский центр «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В статье сформулированы научное предложение и практические рекомендации по порядку начисления амортизации нематериальных активов от новых объектов, применению методов расчета амортизации, отнесению амортизации к объектам затрат, учету амортизации и отражению ее в бухгалтерской отчетности.

Ключевые слова: нематериальные активы, патент, лицензия, ноу-хау, товарный знак, программный продукт, амортизация, бухгалтерский учет, финансовая отчетность.

CALCULATION OF AMORTIZATION OF INTANGIBLE ASSETS AND ITS IMPROVEMENT

DSc, prof. **Rizaev Nurbek Kadyrovich**

DSc, assoc. prof. **Isaev Fakhriddin Ikromovich**

Scientific research center "Scientific bases and problems of development of the economy of Uzbekistan" under Tashkent State University of Economics

Abstract. In the article, a scientific proposal and practical recommendations on the procedure for calculating depreciation for intangible assets from new objects, applying depreciation calculation methods, carrying depreciation to cost objects, accounting for depreciation and reflecting it in financial statements are formulated in the article.

Keywords: intangible assets, patent, license, know-how, trademark, software product, depreciation, accounting, financial reporting.

Кириш.

Жаҳонда рақамли иқтисодиётни ривожланиши инсон капитали, интеллектуал салоҳият, инновацион ғоялар, юқори технологиялар тараққиётнинг фундаментал асосига айланмоқда. Натижада, интеллектуал мулк, инновацион маҳсулотлар ҳамда номоддий активлар ҳажмини тобора ортиб бориши имкониятини бермоқда. Масалан, ижтимоий ҳаётимизда шиддат билан кириб келаётган “Сунъий идрок, ақл” (**artificial intelligence, AI**)нинг бозори йилига тез суръатлар билан ўсиб, 2024 йилда 184 млрд. АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда (бу рақам 2018 йилда атиги 8,1 млрд. доллар эди, ўтган олти йил ичида 2,3 марта ортган). Бунда энг катта бозор ҳажми ёки улуши Қўшма Штатларга тўғри келади (АҚШда сунъий ақлнинг қиймати 50,2 млрд.долл., ёки 27 %ни ташкил этади).

Сунъий ақлнинг ҳажми 2030 йилда йиллик ўсиш суръати (CAGR 2024-2030) ўртача 28, 5% ни ташкил этган ҳолда, қиймати 826 млрд. АҚШ долларига етиши тахмин қилинмоқда. Бундан ташқари, интеллектуал мулк экотизимида янги технологиялар деб номланаётган “3D модел” ва “Интернет буюмлар” (IoT) каби технологиялар шиддат билан ривожланиб, уларнинг бозори йилига ўртача 15-20%га ошиб бормоқда (бунги кундаги қиймати 10 млрд. долл.ни ташкил этади). Статистик маълумотларга қараганда бугунги кунда жаҳонда номоддий активларнинг умумий қиймати 1,5 трлн. АҚШ доллни ташкил этади (Brand Finance, 2023).

Ўз навбатида, республикамызда ҳам “Ўзбекистон-2030” стратегиясида белгиланган устивор вазибаларни бажарилиши манашундай инновацион маҳсулотларнинг яратилиши билан боғлиқ бўлиб қолади. Интеллектуал мулк, инновацион маҳсулотлар кабиларни ҳисобга олиш тартибида, тадбиркорлик субъектининг маблағлари сифатида қаралиб, номоддий активлар номи билан бухгалтерия ҳисобида юритилади. Демак, юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқадики, номоддий активлар бухгалтерия ҳисобининг янги объектларидан бири бўлиб, уларнинг тўловга қобилиятлилики даражаси (ликвидлик) паст бўлсада, бошқа томондан тадбиркорлик субъекти учун келгусида юқори даромад олиш имкониятини берувчи активлар ҳисобланади. Натижада, бундай активлар қийматини харажатларга олиб бориш, яъни уларга амортизация ҳисоблаш тартибида ҳам айрим муаммолар кўзга ташланади. Ушбу муаммоларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

биринчидан, номоддий активлар аниқ бир фойдали хизмат муддатларига эга эмаслиги;

иккинчидан, номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг меъёрлари ишлаб чиқилмаган;

учинчидан, номоддий активларга амортизацияни ҳисоблаш усулларини танлашдаги ўзига хос томонлари мавжудлиги.

Ушбу муаммоларни бугунги кунда ижобий ечимларини топиш ва амалиётга жорий этиш, номоддий активлар амортизация ҳисоблаш ва уни ҳисобга олиш тартибини янада такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Номоддий активлар амортизацияси тушунчасига халқаро меъерий ҳужжатлар (стандартлар) ва республикамыз қонунчилигида берилган таърифлар, шунингдек, жаҳон ва маҳаллий иқтисодчи олимлар, соҳа мутахассислари томонидан билдирилган турли ёндошув ва фикр-мулоҳазаларга эътибор қаратилади.

Жумладан, халқаро стандартлари (БҲХС ва МҲХС)га мурожаат қиладиган бўлсак, 38-сон БҲХС “Номоддий активлар” номи стандартда қуйидаги таъриф шакллантирилган. “Актив – бу шундай ресурски: у олдинги ҳодисалар натижасида ташкилот томонидан назорат қилинади; ташкилот ундан келгуси иқтисодий наф

олишни кутади. Номодий актив – моддий–ашёвий мазмунга эга бўлмаган идентификацияланадиган номонетар актив” (38-сон БҲХС, 2022).

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига куйидаги жумла келтириб ўтилади: “... солиқ тўловчи активлар сифатида ҳисобга оладиган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизация қилинадиган активлар деб эътироф этилади” (Кодекс, 2020).

Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида (БҲМС) номоддий активларга куйидаги таъриф берилган. “номоддий активлар — корхона томонидан узоқ муддат мобайнида ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун ушлаб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган идентификацияланадиган мол-мулк объектлари” (7-сон БҲМС, 2005).

“Тан олинган номоддий активни ҳисобга олиш унинг ҳисобот берувчи ташкилотга фойдали хизмат қилиш муддатига асосланади. Фойдаланиш муддати чекланган номоддий актив амортизация қилинади, фойдаланиш муддати чекланмаган номоддий актив амортизация қилинмайди. Компания учун номоддий активнинг фойдали муддати - бу актив ушбу компаниянинг келажакдаги пул оқимларига бевосита ёки билвосита ҳисса кўшиши кутилаётган даврдир. Компания учун номоддий активнинг фойдали хизмат муддати баҳолаш барча тегишли омилларни таҳлил қилишга асосланиши керак.

“Эскириш ҳисобланадиган қиймат – активнинг бошланғич қийматидан ёки бошланғич қиймат ўрнини босадиган бошқа қийматдан тугатиш қийматини чегириш натижасида олинган қиймат” (38-сон БҲХС, 2022).

“Амортизация — фойдали хизмат муддати мобайнида номоддий активнинг амортизацияланадиган қийматини унинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига тизимли тақсимлаш ва киритиш;

амортизацияланадиган қиймат — кутилаётган (баҳоланган) тугатиш қийматини чегирган ҳолда активнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати суммаси” (7-сон БҲМС).

Юқорида келтирилган айрим ёндошувлар ва фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, номоддий активлар моддий кўринишга эга бўлмаган, сезиб бўлмайдиган бухгалтерия ҳисобининг сирли маблағлари бўлиб, амортизацияланувчи активлар сифатида қийматини харажатларга ўтказиб борилиши талаб қилинади.

Тадқиқот методологияси.

Мақолани ёзиш давомида номоддий активлар тушунчаси, уларни ҳисобга олиш тартиби ва амортизацияни ҳисоблаш бўйича адабиётлар шарҳи тўлиқ таҳлил этилган ҳолда, улардаги жаҳон ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг номоддий активларга берган таърифлари, халқаро стандартларда берилган таърифлар ва тушунчалар тўлиқ ўрганилди, шунингдек, ушбу фикрларга асосланган йўналишлар, жумладан йирик акциядорлик жамиятларида номоддий активларни тан олиш, ҳисобга олиш, уларни баҳолаш, туркумлаш, уларга амортизацияни ҳисоблаш усуллари кўллаш ва тадқиқот йўналиши сифатида тадқиқот парадигмаси миқдорий, объектив ва илмий усуллардан фойдаланилди.

Маълумотлар тўплаш жараёнида асосан йирик акциядорлик жамияти “Ўзкимёсаноатлойиҳа” АЖда мавжуд номоддий активлар ва уларнинг жами активлар ва узоқ муддатли активларга нисбатан салмоғи, амортизация жараёни, уни ҳисоби билан боғлиқ маълумотлари, шахсий кутубхона ва бошқа кутубхоналардаги китоблар, илмий мақолалар, тезисларда келтириб ўтилган маълумотларни жамлаб олинди ва чуқур таҳлилий маълумотлар шакллантирилди. Бундан ташқари, турли интернет сайтларидан хорижий олимларнинг мазкур тадқиқот мавзуси бўйича илмий

мақолалари ва китобларида келтириб ўтилган маълумотлардан кенг фойдаланилди. Шунингдек, номоддий активларга амортизация ҳисоблаш ва уни ҳисоби бўйича бухгалтерия ҳисобининг баҳолаш, счётлар режаси, иккиёқлама ёзув каби усулларидан ҳам кенг фойдаланилди. Ўз навбатида таҳлилнинг таққослаш, горизонтал ва вертикал таҳлил қилиш, индукция усуллари асосида илмий хулосалар шакллантирилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодексида солиқ тўловчининг товарлар ишлаб чиқаришда (хизматлар кўрсатишда) ёки маъмурий-бошқарув эҳтиёжлари учун узоқ вақт (давомийлиги ўн икки ойдан ортиқ вақт) мобайнида фойдаланиладиган интеллектуал фаолият натижалари ва бошқа интеллектуал мулк объектлари (уларга бўлган мутлақ ҳуқуқлар) солиқ солиш мақсадларида номоддий активлар деб эътироф этилган. Кодексга асосан, номоддий активни тан олиш учун қўйидаги талабларга жавоб берилиши керак:

биринчи, солиқ тўловчига иқтисодий наф (даромад) олиб келиш имкониятининг мавжудлиги;

иккинчи, номоддий активнинг ўзи мавжудлигини ва солиқ тўловчида интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқ мавжуд эканлигини тасдиқловчи лозим даражада расмийлаштирилган ҳужжатларнинг (патент, гувоҳнома, шартнома) мавжудлиги.

Солиқ кодексида номоддий активдан фойдаланиш муддати патент ёки гувоҳноманинг амал қилиш муддатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади деб белгиланган. Бу тартиб 7-сон “Номоддий активлар” номли стандартда (БҲМС) номоддий активларнинг фойдали хизмат муддатини аниқлашда қўйидаги омиллар ҳисобга олинади, жумладан:

- номоддий активларнинг кутилаётган фойдали хизмат муддати;
- ишлаб чиқаришни ўзгартириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга нисбатан бозор талабларининг ўзгариши натижасида номоддий активларнинг техник эскириши;
- номоддий активлардан фойдаланишдаги ҳуқуқий чекловлар.

Корхона балансига олинган кундан бошлаб номоддий активларнинг фойдали хизмат муддати белгиланади ҳамда бу қўйидагилардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади:

- патент ва гувоҳноманинг амал қилиш муддати ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ;
- номоддий активлардан корхона иқтисодий наф (даромад) олиши мумкин бўлган даврдаги фойдаланиш кўзда тутилаётган муддат.

Амалиётда корхонадаги мавжуд номоддий активларнинг фойдали хизмат муддатини аниқлаш имкони бўлмаса, қонунчиликка мувофиқ амортизация ажратмалари беш йил давомида ҳисобланиши ҳамда ушбу муддат корхонанинг фаолият кўрсатиш муддатидан ошмаслиги кўзда тутилган.

Демак, ушбу изоҳлардан кўриниб турибдики, стандартда номоддий активлар аниқ хизмат муддатларига эга эмас, мана шу ҳолат амалиётда номоддий активларга амортизация ҳисоблаш ва уларни тегишли харажатларга олиб боришда муаммоларга сабаб бўлмоқда. Миллий стандартда (БҲМС) келтирилган жумлада объектларни «...амал қилиш муддати» сўзи келтирилган. Бу ҳақиқатдан мавҳумроқдир, бухгалтер қайси муддатни белгилайди. Балки, асосий воситалар каби қайсидир маънода аниқ муддатларга эга бўлиши керакдир.

Масаланинг бошқа бир томони, «...фойдаланиш кўзда тутилаётган муддат» дейилган. Ушбу объектларнинг ўзига хос хусусияти ёки уларнинг муҳим томони шундаки, номоддий активлар ликвидлиги кам бўлган, даромадлиги юқори бўлиши кутилаётган объектлар сифатида эътироф этилади. Демак, агар ушбу объектларнинг

бозори топилса, тадбиркорлик субъекти учун катта миқдорда даромад олиш имкониятини беради.

Натижада, бугунги кунда номоддий активларни фойдали хизмат муддатини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиб, қуйидагилар таклиф этилмоқда:

«Тадбиркорлик субъектида аниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий активларнинг фойдали хизмат муддати камида ҳар молиявий йилнинг якунида қайта кўриб чиқилиши керак. Ушбу номоддий активларнинг фойдали хизмат муддатидаги ўзгаришлар 8-сон БҲХС «Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳодаги ўзгаришлар ва хатолар» деб номланган халқаро стандартга асосан, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар сифатида тан олинади. Ушбу ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар истиқболли (перспектив) кўринишда ифодалаш мақсадга мувофиқдир».

Республикада амал қилаётган 7-сонли «Номоддий активлар» номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС) қоидаларига мувофиқ тадбиркорлик субъектининг бухгалтерия балансида дастлабки (бошланғич) қиймати бўйича акс эттирилади. Сўнгра, улардан фойдаланиш натижасида қиймати харажатларга ўтказиб борилади, яъни номоддий активларнинг қиймати амортизация ҳисоблаш йўли билан қопланади. Бунда амортизацияланадиган қиймат фойдали хизмат муддати мобайнида корхона харажатларига амортизация ажратмалари кўринишида тизимли тақсимланади. Натижада, номоддий активлар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш тартиби кейинги ойнинг биринчи санасидан бошланади (объект номоддий активларга қабул қилинган ойдан кейинги ойдан бошлаб) ҳамда мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ қоплангунга қадар ёки номоддий активлар балансида ҳисобдан чиқарилгунга қадар амалга ошириб борилади.

Солиқ кодексда номоддий активларнинг хизмат муддати ва уларга ҳисобланадиган амортизация тушунчалари БҲМС қоидалари билан деярли бир-бирини тўлдирди. Масалан, Кодексда ҳам номоддий активлар бўйича амортизация ҳар ойда солиқ тўловчи томонидан уларнинг бошланғич қийматидан ва бундай номоддий активдан фойдали тарзда фойдаланиш муддатидан, бироқ солиқ тўловчининг фаолияти муддатидан кўп бўлмаган муддатдан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилинган нормалар бўйича ҳисобланиши белгиланган (бунда, фойдали тарзда фойдаланиш муддатини аниқлаш мумкин бўлмаган номоддий активлар бўйича амортизация нормалари беш йиллик муддат олинади).

Номоддий активларни бухгалтерия балансидаги салмоғи ҳамда уларни динамик ҳолати бўйича маълумотлар “Ўзкимёсаноатлойиха” АЖнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи кўрсаткичлари қуйида келтириб ўтилади.

1-жадвал

“Ўзкимёсаноатлойиха” АЖда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот (баланс активлари) таҳлили (2024 йил 1 май ҳолатига/минг сўм)

Баланс моддалари	Ҳисобот даври бошига		Ҳисобот даври охирига		Фарқи	
	сумма	салмоғи	сумма	салмоғи	сумма	фоизда
Жами активлари	10865642	100	10792973	100	-72665	99,3
Узоқ муддатли активлар	1280866	11,7	1287685	11,9	+6819	100,5
Номоддий активлар, жумладан:						
Жами активларга нисбатан	376472	3,4	554872	5,1	+178400	147,3
Узоқ муддатли активларга нисбатан	376472	29,3	554872	43,0	+178400	147,7

Маълумотлардан кўриниб турибди, корхонанинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи бўйича жами активларнинг қиймати асосан жорий активлар, жумладан: дебиторлик қарздорлик ҳамда келгуси давр харажатларининг камайиши ҳисобига ҳисобот даври бошига нисбатан 72665 сўмга пасайган (99,1 фоиз).

Корхонанинг узоқ муддатли активларида асосий воситалар қийматининг камайишига қарамасдан, бу номоддий активлар ҳисобига ижобий қодиққа эга бўлган (+6819 минг сўм ёки 100,5 фоиз). Узоқ муддатли активлар жами активларга нисбатан 0,2% га ортган. Ўз навбатида биз учун муҳим бўлган номоддий активларни таҳлил қиладиган бўлсак, мазкур активлар ҳисобот даври бошига нисбатан 178400 минг сўмга ортган ёки 147,7 фоизга ўсганлигини кўриш мумкин. Корхонада дастурий маҳсулотлар ҳажмининг ортиши ҳисобига номоддий активлар салмоғи жами активларга нисбатан 1,7% га ёки суммада 178400 сўмга кўпайган. Номоддий активларнинг узоқ муддатли активларга нисбатан салмоғини абсолют даражада ижобий баҳолаш мумкин. Яъни ҳисобот даври бошида 29,3 фоиз ва охирида эса 43,0 фоизни ташкил этган.

Республикамызда фаолият юритаётган турли корхоналарда бундай натижа камдан - кам ҳолатларда учрайди. Демак, акциядорлик жамиятида номоддий активлар қийматини доимий равишда ушлаб туриш учун товар белгиси, дастурий маҳсулотлар, ноу-хау ёки патент каби интеллектуал мулк объектлари билан янгилаб боришни талаб этади.

Айрим ҳолатларда фикрлар бўлиши мумкин, қайта баҳолаш натижасида ҳам номоддий активлар қийматини ошириш мумкин, бизнинг фикримизча, қайта баҳолаш модели бўйича қўлланган усул ҳамма вақт ҳам натижа беравермайди. Яъни, бунда қайта баҳолаш фақатгина ушбу номоддий активлардан фойдали хизмат муддатини амал қилиш муддатини узайтиришга хизмат қилади ҳамда ҳар доим ҳам буни амалга ошириб бўлмайди, чунки уларга корхонанинг ҳисоб сиёсати бўйича танланган амортизациянинг усуллари ўз таъсирини кўрсатади.

Фикримизча, таҳлил қилинаётган акциядорлик жамиятида келгусида юқори даромад келтирувчи активларга, хусусан номоддий активларга катта эътибор қаратилган. Тан олиш олиш керак, авваллари номоддий активларнинг салмоғи 0,5-1,0 фоиз атрофида бўлиб келган, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли корхоналарнинг молиявий имкониятлари янада кенгайиб бормоқда, шунингдек, “Ўзбекистон-2030 стратегияси”да ҳам алоҳида устивор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган, натижада йиллар ичида республикамызда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари ва йирик солиқ тўловчиларнинг узоқ муддатли активлари таркибида номоддий активларнинг салмоғини сезиларли ортиб бориши (жами активларга нисбатан 5 фоиз ва ундан юқори), ўйлаймизки, мазкур корхоналарда инновацион ғояларга асосланган экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқиш ҳажмини тобора ортиб бораётганлигидан далолат беради.

2-жадвал

“Ўзкимёсаноатлойиҳа” АЖда номоддий активлар ҳолати
(2024 йил 1 май ҳолатига/минг сўм)

Т\р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига	Ўзгариши	
				суммада	фоизда
1.	Бошланғич қиймат (020-сатр)	376472	554872	+178400	147,3
2.	Амортизация қиймати (021-сатр)	93016	106593	+13577	113,9
3.	Қолдиқ қиймати (022-сатр)	283456	448280	+164824	158,3

“Ўзкимёсаноатлойиха” АЖдаги мавжуд номоддий активларнинг ҳолатига эътиборни қаратадиган бўлсак қуйидаги маълумотларни кўриш мумкин.

Таҳлилий маълумотлардан кўриниб турибдики, “Ўзкимёсаноатлойиха” АЖда номоддий активлар салмоғи жуда яхши натижага эга. Номоддий активлар ҳисоботдаври бошига нисбатан +178400 минг сўмга ёки 147,3 фоизга ортган. Буни корхонада янги номоддий активларни сотиб олиш, ўзида яратиш ёки ҳады сифатида олиниши билан изоҳлаш мумкин. Натижада корхонада келгусида даромадлиги юқори бўлган активларнинг кўпайишига олиб келган. Шунингдек, номоддий активларнинг амортизация суммаси ҳам мос равишда ортган +13577 минг сўм ёки 113,7 фоиз, бу корхонада номоддий активларга амортизацияни тезлаштирилган усулини қўллашга ўтгандан далолат беради. Мазкур усул номоддий активларни тезроқ янлигаб олиш имкониятини яратади. Номоддий активларнинг қолдиқ қиймати ҳам ҳисоботдаври охирига келиб +164824 минг сўмга ортган.

Халқаро стандартларда номоддий активларга амортизацияни ҳисоблашни икки санадан олдингида тўхтатилиши кўрсатиб ўтилган:

- 5-сон МХХСга мувофиқ сотиш учун мўлжалланган (ёки сотиш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ таркибидаги) актив сифатида таснифланган сана;

- уни актив сифатида тан олиш бекор қилинган сана.

Номоддий активнинг амортизацияси активдан ортиқ фойдаланилмаса ҳам тўхтатилмайди, бундан актив тўлиқ амортизацияланган ёки 5-сон МХХСга мувофиқ актив сотиш учун мўлжалланган (сотиш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) сифатида таснифланган ҳолатлар мустасно. Ноаниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий активларга амортизация ҳисобланмайди. Шунингдек, номоддий активлар амортизацияси корхонанинг молиявий натижаларида, яъни фойда ёки зарарлар таркибида тан олинади. Лекин, айрим ҳолатларда номоддий активлар маҳсулотларни яратишда фойдаланилганда уларнинг амортизация суммаси ушбу активларга ўтказилади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган номоддий активларнинг амортизацияси захираларнинг баланс қийматига киритилиши назарда тутилган, бунда халқаро 2-сонли БҲХС “Захиралар” стандарти қоидалари амал қилади.

Номоддий активлар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ҳисобот давридаги тадбиркорлик субъекти фаолияти натижаларидан қатъий назар амалга оширилади ва у тегишли бўлган ҳисобот даврининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириб борилади, бугунги кунда ягона бўлиб турган ҳисобварақлар режасига кўра, 0500 – «Номоддий активлар амортизацияси» счётидан фойдаланилади. Масалан, “Ўзкимёсаноатлойиха” АЖда бошланғич қиймати 100 млн. сўм бўлган саноат намуналарига эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу саноат намуналарининг фойдали хизмат муддати 8 йилга тенг. Корхона бош бухгалтери 4-чи йилнинг бошида саноат намуналарининг қолган фойдали хизмат муддатини қайта кўриб чиқиш зарурати борлиги тўғрисида қарор қилади. Натижада, саноат намунасининг фойдали хизмат муддати яна 3 йилга қилиб белгиланди. Корхона бухгалтери томонидан фойдали хизмат муддати қайта кўриб чиқилган номоддий актив бўйича қуйидаги ҳисоб-китобларни амалга оширади:

- саноат намунасининг 3 йиллик жамғарилган амортизация суммаси - 100 млн.сўм / $10 \times 3 = 33,3$ млн. сўм;

- бошланадиган 4-йил учун саноат намунасининг баланс қиймати: 100 млн.сўм - 33,3 млн. сўм = 66,7 млн. сўм;

- кейинги 3 йил учун саноат намунасининг амортизация суммаси - 66,7 млн. сўм. / 3 = 22,2 млн. сўм.

Бухгалтерия таҳлилий маълумотларидан кўриниб турибдики, номоддий активлар фойдали хизмат муддатини қайта кўриб чиқилиши, улардан фойдаланиш муддатларини камайишига олиб келсада, бошқа томондан ҳисобланаётган амортизация

суммасини ортишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик субъектларнинг молиявий натижасига таъсир кўрсатади.

Шунингдек, ноаниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий активлар камида ҳар молиявий йилнинг якунида қайта кўриб чиқилади, бу эса ҳодисалар ва ҳолатлар ушбу активларнинг фойдали хизмат муддатини ноаниқ деб баҳолашни тасдиқлашда давом этадими ёки йўқлиги аниқланади. Натижада 36-сон БҲХС «Активларнинг кадрсизланиши» номли халқаро стандарт қоидаларига асосан, номоддий активнинг фойдали хизмат муддатининг ноаниқликдан аниқликка ўзгариши ушбу активнинг кадрсизланиши аломати ҳисобланади.

БҲМСнинг энг эътиборли ҳолати хизмат муддатини белгилаш мумкин бўлмаган объектлар бўйича, «... амортизация ажратмалари беш йил давомида» ҳисоблаб борилиши кўзда тутилган.

Номоддий активлардан (Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари, 38-сон БҲХС “Номоддий активлар”) ҳамда бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасида ҳам амортизация атамасидан фойдаланилади. Бу эса, ушбу объектдан фақат бир маротаба фойдаланиши мумкинлигини назарда тутмоқда (бошқа активлар, жумладан асосий воситалардан бир неча маротаба). Ушбу номоддий активлар қайта фойдаланиш ёки уни бир хизмат муддатини ўтаб бўлгандан сўнг, баҳолаб, яна балансга олиш мантиқан мумкин бўлмаган жараён дир. Натижада, номоддий активларга нисбатан унинг хизмат муддатларини аниқ белгилаб берилмаганлиги, тегишли гуруҳларга ажаратилиб, унинг йиллик меъёрлари ишлаб чиқилмаганлиги бухгалтер учун, мазкур объектларни тўғри ва ўз вақтида ҳисобдан чиқариш ҳамда даромад солиғи базасини шакллантириш билан боғлиқ қатор муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунда ҳам номоддий активлар қийматини ҳисобдан чиқариш уларнинг қиймати тўлиқ тўлангунга ёки объект сафдан чиқиб кетгунга қадар бўлган амортизацияни ҳисоблаш йўли билан амалга оширилиши ҳамда амортизация ажратмалари объект фойдаланишга топширилганидан кейинги ойдан ҳисоблаб борилиши кўрсатилган.

Бугунги кунда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар бир субъект бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш ва уни юритиш мақсадида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқади. Мазкур ҳисоб сиёсатида номоддий активларнинг гуруҳлари бўйича амортизация ҳисоблаш усулларини танлаб олиш ва белгилаш керак бўлади. Номоддий активлар учун амортизацияни ҳисоблашда қуйидаги усуллардан фойдаланиш кўзда тутилган:

- амортизацияни бир маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш;
- амортизацияни бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаш усули (ишлаб чиқариш усули);

- жадаллаштирилган амортизация:

икки барабар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули;

йиллар йиғиндисидан усули (кумулятив усул).

Номоддий активларга амортизацияни ҳисоблаш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, тўғри чизиқли усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги кўп иқтисодчи олимлар томонидан эътироф этилади. таъкидланган. Шунингдек, ушбу объектларга амортизация ҳисоблаш тартиби бўйича олимларни уч хил тоифага ажратади: объектларни умуман хўжалик субъекти активлари деб ҳисобламайдиган иқтисодчилар, хўжалик субъекти активлари сифатида қийматини йўқотмайди деб ҳисобловчи иқтисодчилар ва хўжалик субъектининг активлари сифатида қийматини камайтирувчи хусусиятга эга деб қарайдиган иқтисодчиларга бўлинади

Юқорида келтириб ўтилган усулларни қисқача таҳлил қиладиган бўлсак, бир маромли ёки амалиётда тўғри чизиқли ҳисоблаш усулида, амортизация бир хил маромда ҳамда активларнинг фойдали хизмат муддати мобайнида уларнинг амортизацияланадиган қийматидан келиб чиққан ҳолда тенг улушларда ҳисоблаб

борилади. Ҳар бир давр учун амортизация ажратмалари суммаси амортизацияланадиган қийматни объектдан фойдаланилган ҳисобот даврларидаги сонига бўлиш йўли билан ҳисобланади.

Амортизацияни бир маромли ёки тўғри чизиқли ҳисоблаш усулида амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси номоддий активларнинг амортизацияланадиган қиймати ва фойдали хизмат муддатидан келиб чиққан ҳолда аниқланади:

$$A_T = B_K / X_M,$$

бу ерда, B_K – бошланғич қиймат, X_M - фойдали хизмат муддати.

Ушбу формула асосида номоддий активларнинг тугатилиш қиймати ҳар доим ҳам нолга тенг бўлиб келган.

Амалдаги 7-сон БҲМС «Номоддий активлар» номли стандартга мувофиқ активларнинг амортизацияланадиган қийматини ҳисоблашда уларнинг тугатиш қиймати ҳисобга олиниши ҳамда тугатиш қиймати унча катта бўлмаган тақдирда, у амортизацияланадиган қийматни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинмаслиги кўрсатиб ўтилган. Лекин ҳозирда бундай тартибга амал қилинмаяпти. Яъни, номоддий активларнинг бошланғич қиймати ва унинг хизмат муддати ҳисоб-китоб қилинмоқда.

Халқаро стандартларда номоддий активларнинг тугатилиш қийматини тахминан 5-15 фоиз оралиғида ҳисоблайди (ҳисоб сиёсатига боғлиқ ҳолда). Номоддий активларнинг тугатиш қиймати уларнинг хизмат муддати охиридаги тугатиш бўйича кутилаётган харажатларга камайтириш мумкин бўлсада, амалиётда бу харажатлар қанча миқдорда амалга оширилиши аввалдан аниқ эмас. Агар тахминий тугатилиш қиймати аниқ бўлган ҳолда амортизация ҳисобланса қуйидаги формула асос бўлади:

$$A_T = (B_K - T_K) / X_M$$

бу ерда, B_K - бошланғич қиймат, T_K - Тахминий тугатилиш қиймати, X_M - фойдали хизмат муддати.

Агар 7-сон БҲМС «Номоддий активлар» стандартнинг 56-банди ҳисоб сиёсатига асос қилиб олинса, юқоридаги формулага ўзгартириш киритиш мумкин бўлади:

$$A_T = B_K / X_M$$

Чунки, ушбу стандартда активнинг тугатиш қийматини қуйидаги ҳолларда нолга тенг деб ҳисобланиши кўрсатилади:

- кутилаётган фойдали хизмат муддати охирида сотиб олиш бўйича ҳеч қандай битим ёки шартномаларнинг бўлмаслиги;

- активнинг тугатиш қийматини аниқлаш мумкин эмаслиги ва унинг бозори мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Демак, тадбиркорлик субъектлардаги мавжуд номоддий активларга амортизация ҳисобланаётганда, уларнинг тугатилиш қийматини ҳисоб-китоб қилиниши ҳеч қандай маънони бермайди. Чунки, субъектнинг ўзи томондан тўлиқ фойдаланиб бўлган номоддий активларга эгалик қилиш ҳуқуқини бошқа бир субъект томонидан харид қилиб олиш ҳолатлари мавжуд эмас.

Номоддий активларга амортизация ҳисоблашни ушбу усулини «Ўзкимёсаноатлойиҳа» АЖнинг амалий маълумотларидан фойдаланиб ҳисоб-китоб қиламиз. Бошланғич қиймати 376472 минг сўм бўлган номоддий активларнинг фойдали хизмат муддатини ўртача 5 йил белгилайди ва молиявий ҳисоботларда ҳар йили 75294,4 минг сўм амортизация суммасини кўрсатади ва қуйидаги бухгалтерия ёзувларини берилади:

Дебет «Харажатларни ҳисобга олувчи» сётлар (2010, 2310, 2510, 9420) - 75294,4 минг сўм,

Кредит 0520 «Саноат намунасининг амортизацияси» - 75294,4 минг сўм.

3-жадвал

«Ўзкимёсаноатлойиха» АЖда номоддий активларга амортизацияни тўғри чизиқли усулда ҳисоблаш, (минг сўм)

Йиллар	Баланс қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдиқ қиймати
1-йил	376472	75294,4	75294,4	301177,6
2-йил	376472	75294,4	150588,8	225883,8
3-йил	376472	75294,4	225883,8	150588,8
4-йил	376472	75294,4	301177,6	75294,4
5-йил	376472	75294,4	376472	0

Шунингдек, номоддий активларнинг тахминий тугатилиш қиймати қандай бўлиши ёки уни бошланғич қийматга нисбатан неча фоиз олиниши ҳақида аниқ бир меъёрий тартиб мавжуд эмас. Халқаро амалиётда буни тахминан бошланғич қийматига нисбатан ўн фоизга тенг деб олинади (якунида тузатувчи ёзувлар берилади ва ҳақиқий тугатилиш қиймати аниқланади). Республикамиз амалиётида бухгалтерия ҳисобида номоддий активлар билан боғлиқ стандартда тугатиш қийматига таъриф берилган бўлиб, уни қанча миқдорда бўлишини тахмин қилиш муаммодир.

Стандартда қуйидаги тушунча берилган: «Тугатиш қиймати - номоддий активнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда унинг фойдали хизмат муддати охирида активни тугатиш чоғида олиниши кутилаётган, активнинг тахмин қилинаётган (баҳоланган) суммаси». Бизнинг фикримизча, номоддий активларни чиқиб кетиши бўйича ҳеч қандай харажатлар ёки олиниши кутилаётган суммалар мавжуд эмас ҳамда улар ўртасида фарқлар ҳам юзага келмайди.

Номоддий активлар учун амортизацияни бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаш ёки *ишлаб чиқариш усули* энг мақбул усуллардан биридир. Чунки, амортизация харажатлари корхонада бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисобланади ҳамда ушбу активлардан фойдаланиш натижасида қанча миқдорда маҳсулотлар (ёки ишлар ва хизматлар) ҳажмини аниқлашга ёрдам беради. Номоддий активлар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш маҳсулот ҳажмининг натурал кўрсаткичидан ҳамда амортизацияланадиган қийматни номоддий активларнинг бутун фойдали хизмат муддатидаги назарда тутилаётган маҳсулот ҳажмига нисбатидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Маълумотлар сифатида ишлаб чиқариладиган маҳсулот birlikлари сони, ишланган соатлар сони ва бошқалар олинади:

$$A_T = B_K / B_{и},$$

бу ерда, B_K – бошланғич қиймат, $B_{и}$ - бажарилган ишлар ҳажми.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, халқаро амалиётда объектни тахминий тугатилиш қиймати ҳисоб-китоб қилинади (МХҲС қоидалари бўйича):

$$A_T = (B_K - T_K) / B_{и},$$

бу ерда, B_K - бошланғич қиймат, T_K - тахминий тугатилиш қиймати, $B_{и}$ - бажарилган ишлар ҳажми.

Масалан, «Ўзкимёсаноатлойиха» АЖда яратилган фойдали моделга патент олган (қиймати 50 млн. сўм). Корхона ушбу патент асосида бизнес режасига кўра, 5000 та маҳсулот яратади. (фойдали хизмат муддати 5 йил, дастлабки йилда 2000 та ва қолган йилларда ҳар йили 750 тадан маҳсулот яратилади). Корхона бухгалтери фойдали модел бўйича патентга амортизация ҳисоблаш қайдномасида бир birlik маҳсулот учун 10 минг сўм ва биринчи йил учун амортизацияни 20 млн.сўм (10000 x 2000) кўрсатади (тегишли харажатларга олиб боради):

Дебет «Харажатларни ҳисобга олувчи» сётлар (2010, 2310, 2510, 9420) - 20 млн. сўм,

Кредит 0510 «Патент амортизацияси» (фойдали модел бўйича) сёти - 20 млн. сўм.

4-жадвал

«Ўзкимёсаноатлойиҳа» АЖ да амортизацияни ишлаб чиқариш усули

Йиллар	Баланс қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдиқ қиймати
1-йил	50000000	20000000	20000000	30000000
2-йил	50000000	7500000	27500000	22500000
3-йил	50000000	7500000	35000000	15000000
4-йил	50000000	7500000	42500000	7500000
5-йил	50000000	7500000	50000000	0

Номоддий активлар интенсив фойдаланилган ҳамда илмий-техникавий жараён таъсирида амортизацияни ҳисоблашда икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули қўлланилади.

Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усулига кўра, амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси ҳисобот йили бошидаги интеллектуал мулк объектнинг қолдиқ қийматидан ва мазкур объектнинг фойдали хизмат муддатидан ва ҳисобланган амортизациянинг икки баравар меъёридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

$$Ac = 2 (100 \% / c). ёки, 100 / X_m * 2$$

бу ерда, 2 - икки баробар меъёр.

Амортизациянинг бошқа усулларига нисбатан мазкур усулнинг фарқли жиҳати шундаки, амортизацияни ҳисоблашда фараз қилинаётган тугатиш қиймати бошланғич (тиклаш) қийматидан чегириб ташланмайди. Яъни дастлабки даврда бошланғич қиймати ва кейинги даврлар учун қолдиқ қийматига нисбатан ҳисобланди.

Тан олиш лозим, ҳозирча бизнинг тадбиркорлик субъектлари жадаллаштирилган усулда амортизацияни ҳисоблашда мустақил коэффицентларни қўллай олмаяпти. Халқаро амалиётдан шу маълумки, бухгалтер томонидан компаниянинг молиявий ҳолатдан келиб чиқиб, номоддий активларнинг фойдали хизмат муддатларига асосланиб коэффицентларни мустақил белгилаши мумкин бўлади.

5-жадвал

«Ўзкимёсаноатлойиҳа» АЖда икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усулининг қўллаш

Йиллар	Баланс қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдиқ қиймати
1-йил	8000000	4000000	4000000	4000000
2-йил	8000000	1600000	5600000	2400000
3-йил	8000000	960000	6560000	1440000
n-йил				

Масалан, «Ўзкимёсаноатлойиҳа» АЖда баланс қиймати 8 млн. сўм бўлган дастурий маҳсулот учун дастлабки йилда 4 млн. сўм. амортизацияни ҳисоблаш кераклигини кўрсатмоқда, агар мустақил танлаш имконияти берилса, бу яна 2 млн. сўмгача оширилиши мумкин бўлади.

Дебет «Харажатларни ҳисобга олувчи» счётлар (2010, 2310, 2510, 9420) - 4 млн.сўм.
Кредит 0530 «Дастурий маҳсулот амортизацияси» счёти - 4 млн. сўм.

Бу эса номоддий активлардан янада интенсив фойдаланиш ва уларни тезроқ янгилаш ҳамда модернизация қилиш имкониятини яратади.

Юқоридаги миллий стандартларда келтириб ўтилган жумла қўлланилганда номоддий активларнинг фараз қилинаётган тугатиш қийматини аниқлашнинг имконияти мавжуд эмас. Бунда корхонада бошланғич қиймати 8 млн. сўм дастурий таъминотни уч йилдан сўнг 2 млн. сўмга сотиш мумкин деган фикрнинг ўзи мантиққа тўғри келмайди.

Демак, стандартда келтирилган ушбу жумлага тузатиш киритиш ёки бутунлай чиқариб ташлаш лозим:

«Икки барабар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули бўйича амортизацияни ҳисоблашда, фараз қилинаётган тугатиш қиймати бошланғич қийматидан чегирилмайди».

Йиллар йиғиндиси усулига (кумулятив усулга) кўра ҳар йили амортизация меъёри амортизация муддати охирига қадар қоладиган амортизацияланадиган қийматга улуш сифатида аниқланади. Улуш амортизация ажратмалари тугагунига қадар қоладиган тўлиқ йиллар сонини амортизация муддатини ташкил қиладиган йиллар тартиб сонлари йиғиндисига бўлиш орқали аниқланади.

$$A_T = X_m / C \times B_k$$

бу ерда, X_m - хизмат муддати, C - ккумулятив сон, B_k - бошланғич қиймат.

Ҳисобот йили давомида номоддий актив бўйича амортизация ажрат-малари қўлланиладиган ҳисоблаш усулидан қатъи назар (амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулидан ташқари) йиллик сумманинг 1/12 миқдорида ҳар ойда ҳисобланади: «Ўзкимёсаноатлойиҳа» АЖда яратилган «Ноу-хау» муддати 5 йил. Баланс қиймати - 15 млн сўм. У ҳолда, дастлабки йил учун амортизация суммаси 5 млн. сўмга тенг.

Дебет «Харажатларни ҳисобга олувчи» счётлар - 5 млн сўм.

Кредит «Ноу-хау амортизацияси» счёти - 8 млн. сўм.

6-жадвал

«Ўзкимёсаноатлойиҳа» АЖ да амортизацияни ккумулятив усули

Йиллар	Баланс қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдиқ қиймати
1-йил	15,0	5,0	5,0	10,0
2-йил	15,0	4,0	9,4	6,0
n -йил	0	0	0	0

Тадбиркорлик субъектларида фойдаланилаётган номоддий активларнинг турлари бўйича амортизацияни ҳисоблашнинг турли усуллари қўлланилади. Бунда бир турдаги номоддий актив бўйича (гуруҳи, тури ва бошқалар) фақат битта усул қўлланилиши мумкин.

Демак, корхонанинг ҳисоб сиёсатига мувофиқ жорий йил бошида номоддий активлар учун амортизациянинг бир усули (тўғри чизиқли ҳисоблаш усули) танланган бўлса, йилнинг ярмидан ёки маълум ҳисобот давридан сўнг, бошқа бир усулдан (ишлаб чиқариш ёки қолдиқни камайиб бориши усули) фойдалана олмайди. Чунки, бу субъектнинг «Ҳисоб сиёсати»да тасдиқланади ва ўзгартирилмайди. Амортизация ҳисоблаш усуллариининг ўзгариши бухгалтерия ҳисоби бўйича меъерий ҳужжатлардаги ўзгаришларга боғлиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Амалиётда қайси усул тадбиркорлик субъекти учун фойдалироқ эканлигини бухгалтер томонидан таҳлил қилиш асосида аниқланади.

Таклиф этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари учун номоддий активлар

бўйича амортизация сиёсати аграр соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлар учун номоддий активлардан тўлиқ фойдаланиш, улар қийматини харажатларга мутаносиб олиб бориш ҳамда ҳисобдан чиқариш тартибини тўғри ҳисоблаш имкониятини беради.

7-жадвал

Номоддий активлар учун амортизация сиёсати

Т/р	Номоддий актив турлари	Хизмат муддати	Йиллик амортизация меъёри
1.	Патент, лицензия ва ноу-хау	20 йил	5
2.	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари	10 йил	10
3.	Дастурий маҳсулотлар	5 йил	20
4.	Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари	20 йил	5
5.	Франчайз	10 йил	10
6.	Муаллифлик ҳуқуқи	20 йил	5
7.	Гудвилл	10 йил	10
8.	Бошқа номоддий активлар	5 йил	20

Фойдаланишда бўлган номоддий активлар бўйича амортизация меъёрини мазкур номоддий активлардан аввалги мулкдорлар томонидан фойдаланилган йиллар (ойлар) сонига камайтирилган фойдаланиш муддатини ҳисобга олган ҳолда белгилаш ҳам мумкин. Агар мазкур объектлардан аввалги мулкдорларда амалда фойдаланиш муддати ушбу объектларнинг бошқа омиллари ҳисобга олган ҳолда бу интеллектуал мулк объектдан унумли фойдаланиш муддатини мустақил равишда, лекин беш йилдан кам бўлмаган муддатга белгиланади.

Хулоса ва таклифлар.

Демак, номоддий активлар амортизацияси ва уни ҳисоблаш тартиби жиддийликни ва ўзига хос эътиборни талаб қиладиган жараёнدير. Бунинг учун бухгалтердан қуйидагилар талаб этилади:

- номоддий активларнинг фойдали хизмат муддатларини аниқ белгилаб олиши (йиллик меъёрларини белгилаб олиш);
- номоддий активлар учун амортизация ҳисоблашнинг усулларини тўғри қўлай олиши (ҳисоб сиёсатида белгилаш);
- номоддий активлар бўйича ҳисобланган амортизация суммаларини бухгалтерия ҳисоби счётларда акс эттириши;
- номоддий активлар ҳақидаги маълумотлар молиявий ҳисоботларнинг тегишли шакллари учун илова тарзида акс эттириб борилиши.

Адабиётлар / Литература/ Reference:

БҲМС (2005) Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли бҲМС) «номоддий активлар»ни янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи, 27.06.2005 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 1485

БҲМС (2022) 38 "Номоддий активлар" Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (АВ томонидан 09.12.2022 й. 3400-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг 10.11.2022 й. 61-сон буйруғига 23-илова)

Ризаев Н.К. (2019) "Интеллектуал мулк объектлар ҳисоби ва таҳлилини ташкил этиш методологияси", 08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит», иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати.